

Хракиши

2000 йил 9 январь -
Ўзбекистон Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

Ушбу сонда: **2** МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҚУДРАТИ **3** ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОХОТ Бутун мамлакат аҳлининг фаровон турмушини таъминлайди **4** Касаба уюшмалари тадбирларида МУРУВВАТ-ЛА КЎНГИЛ МУНАВВАР

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 январь, шанба №5 (837)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ХХІ АСРГА»

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида ана шундай шир остида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда истиқомат қилаётган корейс миллати вакиллари, республикада фаолият кўрсатаётган корейс маданий маркази ходимлари иштирок этди.

Митингга сўзга чиққан қилчбозликнинг корейсча тури-ғамдо бўйича Умумжаҳон ташкилотининг Ўзбекистон бўлими раиси, «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири А.Хўжаев, республикадаги корейс маданий маркази раиси, тарих фанлари доктори, профессор П.Ким Президент Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан буён ўтган қиска вақт мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий

ва маданият соҳаларида улкан ўзгаришлар рўй бераётгани, юртимиздаги кўпмиллатли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани, миллатлараро тўнгулик, халқлар тинчлиги ва осойишталиги таъминланаётганини таъкидлади. Ўзбекистон бугунги кунда мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат ва элаларнинг, шу жумладан корейсларнинг ҳам сеvimли она Ватани бўлиб қолаётгани ифтихор билан қайд этилди. Улкамиздаги барча халқлар каби корейслар ҳам ўз фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Нотиклар жонаҳон Ўзбекистонимизда барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳамжиҳатлик, республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани, бутун дунёда

обру-эйтибори тобора ошиб бораётгани Юртбошимиз номи билан боғлиқ эканини таъкидлаб, сайловчиларни 9 январь - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунинда Ислон Каримов номзоди учун овоз беришга чақирди.

Тадбир таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан тугади.

Т.БОТИРБЕКОВ
ЎзА мухбири.

БАХТИ КУЛГАН ИНСОНМАН

Юртимизга мустақиллик шабадалари эсган илк кунларданок Юртбошимиз тадбиркорликка, айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлари тузилишига кенг йўл ва имкониятлар очиб берди. Шунда оила аъзоларим билан кенгашиб, деҳқон-фермер хўжалиги тузишга бел боғладик. Етарли миқдорда олинган имтиёзли кредитга ўн бош қора-

мол сотиб олдик. Шунда яраша жамоа хўжалигидан ер ҳам ажратиб беришди. Олинган даромад ҳисобидан қарзимизни уздик. Бу орада қорамолларимиз сони 2-2,5 бараварга кўпайди. Жамоа хўжалиги билан тузилган шартнома асосида гўшт ва сут маҳсулотлари топшириб боришимиз натижасида ҳисобимизда анчагина маблағ йиғилди.

Иллар ўтган сайин менда хусусий мулкка эгаллик қилиш ҳисси орта борди. Фаолият самараси оиламизга фаровонлик келтираётганини янада гайрат билан ишлашга ундарди. Шундан сўнг қишлоғимизга ун тегирмони, обхўз курдириб, ҳамқишлоқларимизни энгиллаштиришга ҳисса қўшдим. Фаолиятимизнинг тўрттинчи йилида қорамолларимиз сони салкам 40 тага етди. На-

тижада ён-атрофимиздаги қишлоқларда ҳам дўконлар қуриш имконияти туғилди. Кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи дўконлар харидорларни мамнун этмоқда. Ҳозирги кунга келиб 60 бошга яқин қорамолимиз бор. Сотиб олинган битта трактор ва «КА-Маз» юк машинаси оғиримизни энгил қилмоқда. Хуллас, мен каби оддий меҳнат қилувчи инсонларнинг ҳақиқий мулкдор бўлиши Президентимиз амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар натижаси деб биламан. Шу боис биз фермерлар Ислон Каримов номзодини ёқлаймиз.

Салоҳиддин НОСИРОВ,
Балиқчи туманидаги «Носир ота» деҳқон ва фермер хўжалиги раҳбари.

ФАХРИЯ

*Энди ҳеч тўқилмас кўз ёшинг, юртим,
Мангу нур сочажак кўёшинг, юртим.
Истиқлолга элти бардошинг, юртим,
Яратганинг ўзи йўлдошинг, юртим.
Аждодлари буюк — ўчмас излигим,
Бу менинг Ўзбегим, менинг Ўзбегим.*

*Тушқунликда ётдинг неча асрлар,
Ҳуқуқинг топтади қалби басирлар.
Миллат-чун жон берди қанча жасурлар,
Бугун адолатдан қурдинг қасрлар.
Ҳақ йўлнинг олдида сен бир сўзлигим,
Бу менинг Ўзбегим, менинг Ўзбегим.*

САКСОН МИЛЛИОНЛИК БЕМИННАТ МАДАД

Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Муруват ўн кунлиги» меҳр-оқибат, хайр-саховат тадбирларига бой бўлмоқда. Шу кунларда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва боқувчисиз қолганлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилаётган. Қончилар шаҳри Ангренда 350 нафардан кўпроқ яқна-ёлғиз кексага озиқ-овқат, кийим-кечак эҳсон қилинди.

Вилоят бўйича эҳтиёжмандларга жами 80 миллион сўмлик муруват ёрдами кўрсатилди. Чирчиқдаги «Кибора» ва «Гунча» пойабзал корхоналари, «Чирчиққурилиш» трести, шунингдек Зангиота туман масжиди ҳам бу савобли ишдан четда қолмади.

Шаҳзода МИРЗАЕВА.

ҲАММА НАРСА ТАҚТ!

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда комиссия раиси Н.Комилов мамлакатимиздаги барча округ ва сайлов участкалари сайловга тайёр эканини маълум қилди. Унинг айтишича, сайлов участкаларида овоз бериш ва кузатувчилар иштироки учун барча шартшароит яратилган.

Президент сайлови жараёнида юздан ортиқ хорижий ва 15 мингга яқин маҳаллий кузатувчи иштирок этади. Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида рўйхатдан ўтган кўплаб маҳаллий ва чет эллик журналистлар ҳам округ ва участкаларда бўлиб, сайлов жараёнини беvosита кузатади. Шунингдек, барча участкаларда президентликка даъвогар иккала номзоднинг ҳам кузатувчилари бўлади.

Анжуманда Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида сайлов жараёнини кенг ва ошқора ёритиб бориш учун яратилган қулайликлар ҳақида ҳам сўз борди. Матбуот маркази ўша кунги узлуксиз фаолият кўрсатади. Президент сайловини ўтказувчи сайлов округлари билан узвий компьютер алоқа ўрнатилиб, ҳар икки соатда аниқ маълумот олиниб, журналистлар улардан хабардор қилиб борилади. Шунингдек, матбуот маркази халқроқ факс ва телефон алоқаси, Интернет тармоғи ҳамда компьютерлар билан жиҳозланган.

(ЎзА).

Мамлакатимизда бўлажак сайловлар юксак демократик даражада, сайловчиларнинг юқори фаоллигида ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Мақсадга эришишда Республика Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловларда тўпланган тажрибалар асқотади. Фидокор халқимиз ўз етакчисини сайлаш учун масъулиятни юксак даражада ҳис этмоқда. Барча ерда байрамона кайфият, кўтаринкилик ҳукмрон. Суратларда: 1. Касби туманининг бир гуруҳ тарғиботчилари. 2. Тўйтепадаги «Кобул-Ўзбек» текстайл» қўшма корхонасининг моҳир ишчиси Нилуфар Мирзахмедова.

З.Раҳматуллаев ва Д.Аҳмад олган суратлар.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан мақсад қишлоқ аҳлининг асрий орзусини рўйга чиқариш, яъни ерга, мулкка ва маҳсулотга эгаллигини таъминлаш орқали моддий манфаатдорлигини ошириш ва турмуш даражасини кўтариш эканлиги барчага аёндыр. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқдаги ислохотлар ер ва мулклий муносабатларни, моддий манфаатдорлик омилларини мазмун хикматдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган жуда мураккаб ва тарихан зарурий жараёндыр.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон қишлоқларида иқтисодий ислохотлар мустақилликка эришишимизга қадар, 1989 йилда Ислон Каримов республика раҳбарлигига келган даврдан бошланди. Пахта яқнаҳақимлиги ҳукмрон бўлган Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси собиқ иттифоқда энг қуйи ўринлардан бирига эди. Бу масалани ижобий ҳал этишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган Ислон Каримов бир гуруҳ олиин ва мутахассис-

ларни Болтиқбўйи республикаларида (бу минтақада томорқа хўжаликлари яхши ривожланган эди) жўнатиб, олдимизга улар тажрибасини Ўзбекистон шартшароитларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш, шахсий томорқа хўжалиқларини ташкил этиш, муносиб сервис эизмати кўрсатишни уюштириш имкониятларини ўрганиш вализациясини қўйган эди.

Натижада 1989 йил август ойида узокни кўзловчи сиёсат шарофати билан у даврдаги мавжуд тамойилларга

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОХОТ

бутун мамлакат аҳлининг фаровон турмушини таъминлайди

мол келмайдиган, аммо Ўзбекистон фуқаролари учун ҳаётий зарур бўлган томорқа хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қарор чиқиб, ўзбек деҳқонининг асрий орзуси ушалишига имконият яратилди.

Биргина 1989 йилда 912,4 минг оилага 110,2 минг гектар, 1990 йилда 601 минг оилага 73 минг гектар, 1991 йилда эса 966,7 минг оилага 106,4 минг гектар, уч йил давомида 289,6 минг гектар ер шахсий томорқа қилиб берилди. Бу собиқ совет ҳокимияти йилларида берилган жами ерга нисбатан 2,1 марта кўп эди. Шахсий томорқада етиштирилаётган дон 1989-1991

йиллар давомида 2,1 марта, картошка 2 марта, сабзавот, гўшт ва сут 1,7 марта кўпайди. Ўзбек деҳқонининг қосаси оқариб, даромади кўпайди, у уй қуриб тўй бошлади.

Президентимизнинг ташаббуси билан шахсий томорқа эгаллари уюшмаси (ҳозирда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси) ташкил этилиб, катта сармоа ажратилди. Бу маблағлар томорқа эгаларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ташкил этиш ва бошқа ташкилий тадбирларга сарф этилди.

Бугунги бозорларимизнинг тўқин-сочинлиги, бозор иқтисодиётига ўтишининг мураккаб

дамларида қишлоқ аҳлининг жонига аро кирган асосий омиллардан бири ҳам шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатий саъй-ҳаракат натижасидир.

Уйлаб кўрайлик, шўролар даврида шахсий томорқа хўжалиги мавжуд эди-ю, лекин у тўғрисида на қонун, на қарор бор эди. Айнан Президентимиз ташаббуси билан шахсий томорқа хўжалигининг бозор ва аграр муносабатлар тизимидаги имконият ва истиқболлари инобатга олинди, унга деҳқон хўжалиги мақоми берилди ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Деҳқон хўжаликларига яратилди, ер фермерларга узок муддатли ижара асосида бириктириб берилди.

Республикаимизда фермер хўжалиқларининг сони 29 мингдан ошиқ бўлиб, уларга 583,1 минг гектар ер бириктириб берилган ва 235,7 минг киши фермерлик ҳаракатига жалб қилинган. Фермер хўжалиқлари томонидан 1999 йилда 480 минг тонна пахта, 395 минг тонна дон, жами 16 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Сурункали зарар қўриб ишлаётган ва санация тадбирларини қоникорсиз ўтказган қишлоқ хўжалик корхоналари ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил этиш ҳам ислохотлар жараёнида янги қадамдыр.

(Давоми 3-бетда).

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Ийд ал-Фитр муносабати билан Америка халқи номидан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этиш мени гоят мамнун этади.

Ушбу байрам инсон ҳуқуқлари принципларининг асоси бўлган эътиқод эркинлигининг руҳлантирувчи муҳим омили сифатида намойён бўлади.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни замонавий демократияга ва ривожланаётган бозор иқтисодиётига ўтишда қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришдан мамнуният изҳор этади.

Эҳтиром ила,

Уильям Ж. Клинтон,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз Зоти Олийларига энг самимий табриқларимни тақдим этаман. Фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва қардош Ўзбекистон халқига ҳамisha фаровонлик ва толе ёр бўлиши учун энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Сулаймон Демирал,
Туркия Республикаси Президенти



ОНА ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ

ЎЗБЕКНИНГ БИЛИМДОН БОЛАЛАРИ

Раҳматилла Мусурмонов, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Хар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ энг устувор вазифа қилиб белгиланди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида ҳар соҳада етук, замонавий билим, малакага эга ёшларимиз камолини кўриб қалбимизни ёруғ умидлар чулғайди.

Мустақиллик берган имконият, изланувчанлик натижасида дарс беришнинг янги янги шакл ва мазмунлари юзага келди. Яқинда «Туркистон-пресс» муҳбири билан бу борада алоҳида суҳбатлашдик. Эътиборлиси шуки, Шахрисабз туманидаги Навоий номи 32-ўрта умумтаълим мактаби ЮНЕСКО дастури асосида чет элнинг илғор таълим тизими бошқариш методлари асосида синовдан ўтмоқда. Бу борадаги ютуқлар мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотлар изчил амалга ошаётганидан далolatдир. Иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда вилоятнинг 10 нафар ўқувчиси АКСЕЛС уюшмаси орқали АКШдаги ихтисослашган мактабларга тахсил олиб қайтди. Мазкур дастур асосида чуқур билим берадиган синлар, ихтисослашган мактабларда 127 минг ўқувчи таълим олмақда. Сўнгги йилларда Қашқадарёда 191 та мактаб, 52 та боғча жаҳон андозалари

га мос равишда қурилиб фойдаланишга топширилди. Мактабларимизнинг 30 фоизи компьютерлаштирилган. Илм масканларини айланган эканман, ўғил-қизларимиз қалбида уларга бундай катта имкониятлар яратётган давлатимизга, Президентимизга миннатдорчилик туйғулари жўш ураётганлигини сезаман.

Асосий умрим Ўзбекистонда, ўзбеклар орасида ўтаётди. Тақдиримдан хурсандман. Бағрикенг, меҳмондўст, борини бировдан аямайдиган ўзбеклар қийналган кезларимизда жонимизга оро киришиди. Қийналиб бўлса-да, яхшилар ёрдамида янги уй қуриб олдик. Узоқ йиллар оила аъзоларим билан фаровон ҳаёт кечирдим. Бироқ, ҳаёт мураккаб, эртага нима бўлишини билмас экансан киши. Қутилмаганда аввалига ўғлим, кўп ўтмай умрдошимдан айрилдим. Уша оғир кезларда бутун маҳалла ёрдамга келди. Оддий одамлар қўлларидан келганча марҳамат кўрсатиб, шикаста кўнглимни овлашга ҳаракат қилишарди. Ёлғизлигим билинмади.

Баъзида бошқа мамлакатлардаги қариндошларим, танишларим кўнғироқ қилиб қолишарди.

МУЪЖИЗАКОР ЮРТ

Мана, Янги йилни ҳам ёруғ юз билан қутиб олди. Мустақилликнинг ўтган саккиз йиллиги мобайнида юртимизда амалга оширилган беқиёс муваффақиятларнинг шуқуҳи гуруримизни янада юксакларга олиб чиқди. Бунда истиқлол берган ноёб неъматларнинг файзиёб онларини қадрига етмоқ учун аввало Аср инсони Ислам Каримовдан миннатдор бўлмоғимиз керак. Аслида ҳам шундай. Биргина авваллари хаёлий орзу бўлган Ўзбекистон машинасозлигининг қўлга киритилган ютуқларини мисол келтирсак, кўксимиз қувончаларга тўлиши табиийдир.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз айни пайтда 80 дан ортиқ хорижий давлатлар билан тенглик асосида ўзаро манфаатдорликни ҳисобга олиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Уларнинг орасида Жанубий Корея алоҳида ўрин эгаллайди. Агар 1997 йили ўзаро савдо-сотiq ҳажми қарийб 1 миллиард АКШ долларини ташкил қилган бўлса, бу рақам шу кунгача 1,2 миллиард долларга етди. Мазкур давлатнинг республикамизда 15 та йирик фирма ва компаниясининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Кореялик ишбилармонлар билан шериклик Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган пайтдаёқ бошланган эди. Айниқса, автомобильсозлик, тўқимачилик ва телерадиотехника соҳалари етакчилик қилмоқда. Ҳозир нафақат мамлакатимиз ҳудудларида, балки жаҳон бозорларида ҳам қўшма корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта бўлаётган. Бундан кейин ҳам харидоригр машиналаримизга талабгорлар кўпаяверади. Негаки, «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида келгусида янги маркали энгил машиналар ишлаб чиқарилиши лойиҳалаштирилди. Бунга қўшимча равишда 100 миллион АКШ долларига тенг сармож ажратилди. Бу маблагнинг 40 фоизи мамлакатимиз, 60 фоизи эса Жанубий Корея ҳисобига тўғри келади. Янги лойиҳа бўйича яна 130 миллион доллар ажратилиш кўзда тутилмоқда. Демак, раёон қўчаларимизда «Нексиа-2» ва «Матиз» русумли автомобилларнинг юришига ҳам унча узоқ эмас. Бундай тараққийётдан фахрланмай бўладими, ахир! Бизнингча, Янги йилнинг қутулғ қадамлари янада салмоқли бўлажак. Юртимиз кундан-кунга фаровонлашиб, фуқароларимиз тумшук тарзи юксалаверади. Ўзбекистонда яқин йиллар ичида муъжизакор давлатга айланади.

Рауф ВОХИДОВ, меҳнат фахрийси.

ОСУДА ОНЛАР ҚАДРИ

Александра Бикова, меҳнат фахрийси, С.Раҳимов тумани.

Кўплари ташвишда, баъзиларининг кўзларида ёш, қалбларини ғам-ғусса қоплаган. Сабаби, улар яшаётган жойларда ҳаёт нотинч, урушлар, ўғриликлар, етишмовчилик тинкаларини қуритмоқда. Барчаларининг менга ҳаваслари келади. Чинданам ҳавас қилса арзийди. Тинч-осуда, кун сайин гуллаб-яшнаётган мамлакатда яшайман. Орзуларим бирин-кетин ушалмоқда. Ҳаётдан армон билан ўтаётган қариндошларим гап орасида «Қани энди бизнинг раҳбарларимиз ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовдек халқини жон дилдан севадиган, жасур, ёшларга ўта меҳрибон бўлса» дейишади. Шунда қалбим қувончдан энтикади. Миллионлар қатори шу улғу инсон биз — фахрийларга яратиб бераётган катта имтиёзлардан баҳраманд бўлаётган бир рус аёлман. 9 январ келишини сабрсизлик билан кутаяман. Уша унутилмас кунда илоҳи борича барвақт сайлов қутиси ёнига келиб юрт меҳрибони, қадрдонимиз Ислам Каримов номзоди учун қувона-қувона овоз бераман!

БИР УМРГА ҚАРЗДОРМИЗ

Олимбой Примов, иқтисод фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган муҳандис, «Пахта иши» жабрдийдаси.

2000 йилга ихлос билан қадам қўйдик. Йил янада барқали бўлсин, дея миришкорларимиз катта ишларнинг режаларини тузишмоқда. Ўзбекистон Президентлигига сайловлар кунини арафасида фахримиз, гуруримиз Ислам Абдуганиевичнинг фазилатлари ҳақида кўпроқ фикр юритилаётганлиги табиийдир. Ҳаётимизда жуда кўп раҳбарларни кўрдик. Ўшарининг ҳолати йўқ, собиқ шўро даврида уларнинг ахсарияти зўр бериб «Марказ»нинг топширигини бажаришга ҳаракат қилишди. Юрт равнақи, миллат шайни ҳақида бош қотирдиган мард топилмасди.

«Пахта иши» жабрдийдалари мушкулни осон этиш, уларнинг пок номларини оқлаш масаласида ҳам шундай бўлди. Гдлян, Иванов каби ярамаслар халқимизни хўради, бойлигимизни талади, еримизни топтади. Фақат Президент Ислам Каримовгина бундай бебошлик, зуғумга қарши қатъий кураш бошлади. Қанчадан-қанча бегунох кишиларни қамоқдан қутқарди. Бунинг учун ула-ўлғунимизга у кишидан қарздоримиз. Тўқиланаётганининг сабаби, ўзим ҳам қарийб тўрт йил Гдлян ва унинг гуяшталари жабрийни тортидим. Нималар дейишади, қандай тўхматларни бошимга ёғдиришмоқда. Бироқ, бахтим бор экан, Президент Фармонига кўра оқланиб, қадрдон тўшмага қайтдим. Мана, салкам ўн йилдирки, минглаб гектар ерларга оби ҳаёт етказиб бериш ишига ҳисса қўшиб келяман. Умр йўлдошим билан уч ўғил ва қизларни тарбияладик. Фарзандларим ҳаётда ўз ўринларини, бахтларини топдишди. Қиллогимиз кишилар билан қатъий аҳд қилганимиз бўлажақ сайлов кунини ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, миллат ва мамлакат таянчи, ер юзиде тинчлик учун тоғлас кураши Ислам Каримов номзоди учун овоз берамиз.



АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМ КЎП

Ҳамида Мирзаева, нахтакор, Оққўрғон тумани.

Мен каби оддий одамлар давлатимиз раҳбарини нега бунчалик қаттиқ яхши кўришамиз? Кеча сайлов участкасида бўлганимизда шу савол атрофида муҳоҳада юритдик. — Исломот ота салтанат тепасига келган кунларидан эътиборан оддий одамлар, ёрдамга муҳтожлар, етим-есирларни мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олиш хусусида бош қотирганлар, — дейман ҳамкишилоқларимга. — Мана, эндиликда бу борадаги хайрли, савобли ишлар унча-мунча мамлакатда йўқ. Биз инсонни эъзозлашми, меҳр-оқибатли бўлишни Юртбошимиздан ўргандик. Узингиз биласиз, бахтсиз ҳодиса тўғрисида уйимиз ёниб кетди. Тўрт девордан бошқа ҳеч вақо қолмади. Шунда Оққўрғон пахта тозалаш заводи, «Мурод» хусусий савдо фирмаси ҳамда маҳалламиз ёрдам қўлини чўзишди. Ҳўжалигимиз ва бошқа ташиқлотлар кўмагида тез орада янги уйлик бўлди. Ҳозирги кунда барча қатори яхши ҳаёт кечираймиз. Қалбимда айтадиган гапларим кўп. Олий ниятим: шу юртга, меҳрибон Президентимизга, одамларимиз меҳру оқибатига кўз тегмасан.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҚУДРАТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Истиклол йилларида барпо этилган Марказий Осиёда ягона Кўнғирот сода заводи, Ҳўжалии шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Кўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабел заводлари мамлакат салохиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. «Элтекс», «Катекс» каби хорижий технология билан жиҳозланган йирик корхоналарда юзлаб қорақалпоқ қизлари меҳнат қилмоқда. Кўнғирот атомобил йўли, Нукус мармар заводи, Навоий-Учкудук-Нукус темир йўли биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизи, ичимлик суви билан таъминлаш эса 60 фоизи ташкил этди.

Республикада 23 та лицей, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси орқали қорақалпоқ элининг 21 нафар ўғил-қизи бугунги кунда Америка, Буюк Британия, Япония, Германия каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олмақда.

Нукусда оналар ва болалар шифохонаси, Беруний тумани Жаррохлик маркази, «Тахтаотшон» хиссадорлик жамиятига қарашли соғломлаштириш маркази, қишлоқ жойларда 40 га яқин янги тиббий хизмат пунктлари ишга туширилди, Ақчакўл соҳилида «Орол болалари» халқро таълим-соғломлаштириш маркази қад ростламоқда.

ҚАШҚАДАРЁ Сўнгги йилларда вилоятда 60 га яқин саннат корхонаси барпо этилди. Бундай иншоотлар мамлакатимиз иқтисодий салохиятини оширишга хизмат қилаяпти.

Барпо этилаётган «Шўртангаз» кимё мажмуаси мамлакатимиз халқ ҳўжалиги, умуман иқтисодий салохиятини юксалиши учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен ҳомашиё, 142 минг тонна суолтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АКШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 1 миллиард 300 миллиондан кўпроқ АКШ доллари миқдоридеги сармож сарфланиши кўзда тутилган.

ФАРҒОНА Фаргона нефтини қайта ишлаш заводида дизел ёнилгиси таркибидеги олтингургуртни ажратиб оладиган янги қурилма ишга туширилди. Тошлоқ туманида ДЭУ компаниялари гуруҳи билан ҳамкорликда ип-йиғувчи фабрикаси қурилди. «Азот» бирлашмасини қайта ташкирлаш учун 424 миллион АКШ доллари миқдоридеги сармож жалб қилинган.

НАМАНГАН

Вилоят йўл қурувчилари Қамчиқ доводиде ер ости йўли қурилишига катта хисса қўшмоқдалар. Яқин кунларда бу ерда халқро трасса ўз ишини бошлажақ, нафақат Наманган вилоятининг, балки бутун Фаргона водийсининг қиёфаси ўзгариб кетади.

АНДИЖОН

Жорий йилда андижонликлар 527 минг тонна галла етиштириб, ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан ҳосил олдилар. Республика вилоятларига 200 минг тоннага яқин сара уруғлик дон етказиб берилди.

Асака шаҳридаги «ЎЗДЭУ авто» қўшма корхонаси иқтисодийтаъминот тўбора катта ўрин эгаллаб, бугунги кунда корхонанинг вилоятда ишлаб чиқаришган ялли саннат маҳсулотидеги улуши 52,7 фоизи ташкил этмоқда.

БУХОРО

1997 йил Қоровулбозорда лойиҳа қиймати 550 миллион АКШ долларига тенг бўлган Бухоро нефтини қайта ишлаш заводининг биринчи навбати қурилиш ишга туширилган эди. Завод ўтган кесба вақт мобайнида давлат бюджетига қарийб 30 миллиард сўмлик хисса қўшди.

Сўнгги йилларда Бухоро вилоятда 26 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти маҳаллий ҳомашиё қайта ишлаб экспорттоп маҳсулот тайёрлашмоқда.

Қиска вақт ичида аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 85,3 фоизга етди. Қишлоқ жойларда эса бу рақам бугунги кунда 77 фоизи ташкил этмоқда.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш вилоят бўйича 66,2 фоизга, қишлоқ жойларда эса 42 фоизга етказилди.

Бухоро вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида жами 6 миллиард сўмдан зиёд маблаг пенсия сифатида, 1,5 миллиарддан кўпроқ сўм эса маҳаллалар орқали кам таъминланган оилаларга ёрдам тарзида берилди. Шу ёрдам тўғрисида қарийб 174 минг ижтимоий ҳимояга муҳтож кишининг эътиёжлари таъминланди.

Вобқент туманида «Она ва бола» соғломлаштириш маркази, республика «Тез ёрдам» тиббий марказининг вилоят бўлими, Аёллар соғломлиги тиклаш маркази, юрак хасталиклар шифохонаси, онкология диспансери, 269 та қишлоқ врачлик, 98 та фельдшер-акушерлик пунктлари, 31 та қишлоқ амбулаторияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бир йўла 10 минг одамни бағрига оладиган Масжиди Калон шўро даврида вилоятга айлантирилган эди. Икки йил муқаддам 153 миллион сўм маблаг сарфланиб, бу ноёб тарихий обиде қайтадан таъмирланди ва мўмин-мусулмонларнинг муборак масканига айланди.

Энг оғир дамларда ёрдам қўлини чўзган, яшада ва ишлашда оталарча ёрдам берган, умидсизликка ва тушкунликка тушганимда кўнглимни тоғдай кўтарган азиз инсон - Президентимиз Ислам Каримовнинг Қашқадарё вилоятда ишлаган даврларини қалб амири билан қоғозга туширишга жазм қилдим.

1986 йили мен эндиғина раисликка сайланган Чироқчи туманининг ҳозирги Хайиткул жамоа ҳўжалигининг давлатдан қарзи 3,5 миллион сўмдан ошиб кетганди.

вич, ишни кимдан бошлаймиз? — Энг катта колхоздан бошласак, — деди у. Мен учун бу жавоб табиий эди. Чунки, бизнинг ҳўжалиқ руҳиятининг биринчи қаторида турарди. Бироқ, шу кунни бир неча йиллик тартиб-қоида бузилди. Исломот ака айтдиларки: Айтинг-чи, энг иқтисоди оғир ҳўжалиқлар қайсилар?

Тўрт-беш ҳўжалиқ саналди. Сўз энг йирик Охунбобоев номи соҳвонинг директори Урол Жумановга берилди. У ҳўжалиқнинг иқтисодий

оқласангиз бўлди. Ҳўжалиқлар ичида тўртинчи бўлиб менга навбат келди. Минбарга чиқишга тайёрланаётган эдим, Исломот ака: — Сиз шу жойингиздан туриб менинг иккита саволимга жавоб беринг, — дедилар.

Биринчи савол: — Ҳўжалиқни иқтисодий танглиқдан олиб чиқиш учун қандай режа ва дастурларингиз бор?

Иккинчи саволим: — Колхозчиларингиздан тушяётган ариза ва шикоятлар билан қандай иш олиб бораясиз?

Мен колхозимиз иқтисодини кўтариш учун ер, сув ресурслари етариллигини, шунинг учун ҳам қўшимча 1000 гектар ерга сув чиқариш учун лойиҳалаш ишларини олиб бораётганимизни, оилавий пудрат ва чек системасига ўтиш борасидаги фикрларимни айтиб бердим.

Иккинчи саволга жавоб бериш анча мушкул эди. Чунки, бизнинг колхозимиз вилоят бўйича ҳам аризабозликда ном чиқарганди. Янги вилоят раҳбари шунини аввалдан билиб, менга шу саволин берган бўлса керак.

Сўзимнинг охирида ҳеч қачон меҳнатқашлар ҳақида хиёнат қилмаслигини ва бошқа кўл остидагиларни ҳам нопок (Давони 3-бетда)

МАРМАР ЖИЛОСИ

пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Ишимиз мураккаб, аммо масуллиятли, — дейди хиссадорлик жамияти касабакўм раиси Миррадин Исмоилов. — Шунинг учун ҳам корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ишловчи етарли яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб маъмурият билан касабакўмининг доимо диққат марказида турибди. Жамоа аъзолари маҳсул автоулов билан таъминланган. Ҳар бир ишловчи, уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашга амалий кўмак, фарзандларининг дам олишлари учун имтиёзли йўлнамалар бераймиз. Чунки, корхонамиз мўмай даромад олади. Утган йили кўрган соф фойдамизнинг ўзи салкам бир миллион сўмга етди. Шубҳасиз, унинг кўп қисми жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланади. Ҳар доим гамхўрлик, эътиборни ҳис қилиб турган ҳамда ўзининг меҳнатидан тўла манфаатдор бўлган ишловчилар эса бугун кечагидан, эртага бугунгидан ахшироқ, самаралироқ ишлаяди, демак, «Қорақалпоқмармари» тамғаси билан ишлаб чиқарилган материаллар кўпаяверади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР МИННАТДОР

Худудда на клуб, на ҳаммом, на кинотеатр, кўйингки, оддий хизмат тармоғи ҳам йўқ эди.

Вилоятнинг янги раҳбари Ислам Каримов барча туманларнинг ҳўжалиқ бошлиқларини суҳбатга чакририб, улар билан танишишдан бошладилар. Навбат бизнинг туманга ҳам етиб келди. У киши ҳамма билан саломлашиб, районимизнинг биринчи котиби Алишер Бозоровга юзландилар: — Ҳўш, Алишер Уроло-

аҳволи оғирлиги, уни ривожлантириш йўллари тўғрисида ўз фикрини билдирди ва бу борада тегишли ёрдам кўрсатилишини сўради.

Шунда Ислам Абдуганиевич шундай дедилар: — Урол ака, мана, ёшларимиз ҳам мендан катта экан. Бунинг устига жуда кўп ишлар қилган экансиз. Энди обрўйингизни тўкиб қўйманг. Биз сизга ишонамиз. Барча амалий ёрдамимизни берамиз. Сиз фақат ишонччи

БУ ЎЛКАНИНГ ОҲАНРАБОСИ БОР

Элизабет Тейлор, англиялик меҳмон

Кўп мамлакатларда хизмат сафариде бўлганман. Очиги, ҳар нарсага ҳайратланаверадиган одатим йўқ. Бироқ, Тошкентга келиб завқим ошди. Самарқанд, Бухоронинг сўз билан таърифлаш қийин бўлган обидалари ақлимни шокирди. Ўзбекларнинг маънавияти, маданий обид-

лари бунчалик бой деб сира йўламагандим. Яна бир гап айтсам ҳайрон бўлайсиз: бизнинг мамлакатда ноз-неъматдан завқим ошди. Самарқанд, Бухоронинг сўз билан таърифлаш қийин бўлган обидалари ақлимни шокирди. Ўзбекларнинг маънавияти, маданий обид-

қилишганида аввалига ҳайрон бўлдим. Кўпдан қолмаслик учун ийманибгина автобусга чиқдим. Аммо, бозор расталарини бир-бир айланарканман, ҳайратим, завқим ошиб борарди. Бу юртининг меваси бунча ширин! Кейинчалик тушундим. Кўёш чарақлаб нур соча-

диган, одамлари беҳад самимий, ўта дилқас, меҳнатсевар, Президентни беимисл доно, узокни кўриб сибсат юридадиган, халқим деб қаттиқ қўйғурадиган юртда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Уша кунни савфаримиз қарийтанди. Бироқ, сеҳрли Тошкентдан сира кетгим йўқ эди.

Гаройиб олам
ҚУМЛАРДА
ЯШИРИНГАН БОЙЛИК

Er юзининг учдан икки қисми денгиз ва океанлардан иборатдир. Океан сувлари таркибида хилма-хил кимёвий моддалар ниҳоятда сероб. Олимларнинг ҳисобига қараганда жаҳондаги барча океан сувларида миллиард тонна оғир металл, қумуш минераллар тонна радиий бор экан. Токио кўрғазида бир йилда таркибида темир бўлган 7 миллион тонна қум қайта ишланади. Аммо шундай қум Курил оролларида ҳам топилди. Африканинг жануби-ғарбий соҳилларида насослар ёрдамида океан тубидан қум аралаш олмос қазиб олинмоқда. Олимлар Болтиқ денгизидеги саноат учун муҳим аҳамиятга эга ва таркибида титан моддаси бўлган қум захирасини топдилар. Шимолий муз океанидаги оролларда 22 мингта қўл борлиги ҳисоблаб чиқилган. Сахалин оролида 16.000, Курил оролларида 1100 та қўл бор.

БУ АЖИБ ҚўЛЛАР

Польша ҳудудида 9296 та қўл бор, шулардан 7141 таси кичик-кичик қўллар бўлиб, ҳар бирининг юзаси бир гектардан 20 гектаргача етати ёки бошқача айтганда мамлакатдаги мавжуд қўлларнинг 77 фоизини ташкил қилади. Агар Польшадаги барча қўлларни бирлаштириш мумкин бўлса эди, унинг сув юзаси 3169,27 квадрат километрни ташкил этиб, Чуд-Псков қўлидан салгина кичик бўларди. Ботқоқликлар, қўл, дарё ва ҳатто тоғлар ҳам ўз ўрнини «ўзгартириб» тураркан.

1900 йилнинг бошида Ирландиянинг Кастлер шаҳри яқинидаги ботқоқлик тўсатдан «силжий» бошлади. Ботқоқлик 24 соат ичида ўз йўлидаги қишлоқни вайрон қилиб, бир километрга силжиган. Марказий Осиёдаги Лобнор қўли ҳам қум босиши натижасида бир неча марта ўрнини ўзгартирган. Альт-Брейзех шаҳри Рейн дарёсининг қирғоғида эди. Замонлар ўтиши билан дарё ўзанини ўзгартирди. Альт-Брейзех эса дарёнинг чап томонидаги қўл бўлиб қолди.

10 январ - Ички қўшинлар ташкил топган кун
ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ
Йўлида

Ички қўшинлар ташкил топганига 10 январ кунини 8 йил тўлади. Мазкур қўшинлар юртимиздаги муҳим объектларни қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича жангловор хизмат вазифаларини ҳамда Республика Ички ишлар вазирлигининг махсус топшириқларини бажариб келмоқда. Байрам олдидан «Туркистон-пресс» муҳбири Ватанимиз тинчлик ва осойишталигини энг улуг бойлик деб билган ҳарбий қисмлардан бири, пойтахтимиздаги Ички қўшинларга қарашли Ҳўкув марказида бўлиб, мазкур ҳарбий қисм бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Иброҳим Маҳмудов билан мулоқотда бўлди.

Харбий Ҳўкув маркази асосан Ички ишлар Вазирлигига қарашли барча ҳарбий қисмларга кичик командирлар (кичик сержантдан тортиб то старшина лавозимигача), керакли соҳалар бўйича мутахассислар ҳамда прапоршиклар тайёрлаб беради. Ҳўган вақт мобайнида ҳарбий соҳада ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлгани билан эсда қолимоқда. Биргина ҳарбийлар ўртасидаги муносабатлар давлат тилида олиб борилаётганлиги аскарлар тарбиясида катта осонлик туғдиргани таҳсинга сазовордир. Бу йил биз ички қўшинларнинг саккиз йиллик тўйини қўшалок байрам тарзида нишонлаш арасида турибмиз. Чунки бизлар ҳам байрамдан бир кун олдин Президентлик сайлови куниди Олий Бош Қўмондонимиз сайлаб оламиз.

Қисмда байрамга тайёргарлик жараёни қандай кечмоқда? Айни пайтда тайёргарлик қизгин кечмоқда. Бу йилги байрамга уруш қатнашчилари, фахрий офицерлар, меҳнат қаҳрамонлари ҳамда ҳокимият вакиллари, «Маҳалла» жамғармасидан, хотин-қизлар қўмитасидан меҳмонлар қатнашади. Аскарлар кўнглига қувонч улашиш мақсадида ташкил этилаётган катта концерт дастурларида ҳақимиз севган сўз усталаридан Мирза Холметов, Обид Асомов каби бир қатор санъаткорларни ҳамда Ички қўшинлар қошида ташкил этилган «Тарона юлдузлари» ҳарбий ансамблини тақдирлаётимиз. Шунингдек, аскарларимиз ўртасида спорт мусобақалари ташкил қили-

ниб, унда ҳарбий эстафеталар, кураш, қўл жанги, футбол каби спорт турлари бўйича баҳслар қизгин кечиши тайин. Қолаверса, аскарлар ота-оналари билан бирга зобитлар ҳамда аскарлар иштирокида бевоқифа мулоқот ўтказиб, ота-оналарни қисимиздаги барча шарт-шароитлар билан таништиришимиз, улар томонидан бизларга бўладиган тақдир-мулоҳазаларини инобатга олиб, ҳарбий қисм ҳаётига ижобий ўзгаришлар киритиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ҳўкув қисмида намунали хизмат қилаётганлардан кимларни номини алоҳида айтиш ўттиш жоиз деб биласиз?

Қисмда бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган капитан З.Бекназаров, катта лейтенантлар А.Абдусаматов, Б.Ҳамидов, Д.Юнусов каби зобитларимиз билан бирга сержантлардан А.Аҳмедов, А.Ҳолиқов, С.Валиевлар ҳам ИИВ ва Қўмондонлик томонидан намунали хизматлари учун кимматбахо совғалар ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланади. Зеро юртбошимиз таъкидлаганларидек, улар буюк аждодларимиз изидан бориб давлатимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда муносиб улуш қўшиб келмоқда. Ҳўкам ХОЛИҚОВ.



Туркистон шаҳри. Аҳмад Яссавий зийратгоҳи

Даврон АҲМАД олган сурат

САҲОВАТ - ДИЛ БОЙЛИГИ

Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси ҳам Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Мурувват ўн кўнлиги»га ўзига хос улуш қўшди. Қўмита ёрдамида муҳтож, кам таъминланган кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш. Ҳўсусан, қанд касаллиги билан оғриган болалар

Марказида даволанаётган болаларга шахримиздаги «Митрофанов» сув спорт саройи ҳамда давлат «Цирк»да ўтказилаётган Янги йил томошаларига юз дондан бепул чипталар тарқатилади. - Улар арча атрофида қувониб, совға-саломлардан кўнгиллари кўтарилса, биздан бахтиёр инсон йўқ, - дейди шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси Шокром Исроиллов. Илло, меҳр-мурувват инсонларни бир-бирларига яқинлаштиради.

Муҳаббат ДАВРОН «Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшмалари тадбирларида
МУРУВВАТ - ЛА КўНГИЛ
МУНАВВАР

Республикамизда муборак Рамазон ойининг сўнгги ўн кўнлиги Мурувват кўнлари деб эълон қилиниши муносабати билан турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшма қўмитасида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда шу ерда узок йиллар самарали меҳнат қилиб бугунги кунда қарилки гаштини сураётган фахрийлар, тармоқ қасаба уюшма қўмитаси тасарруфидидаги спорт комплексларининг турли халқаро мусобақалар ғолиблари ва республика машинасозлар касб-ҳўнар коллежи аълочи талабалари иш-

тирок этдилар. Тадбирни қўмита раиси Бахтиёр Аҳмедов очиб, йигилганларни янги — 2000 йил ҳамда ИД-Рамазон байрами билан қўтлади.

Вилоятда металлургия ва машинасозлик саноатини ривожлантиришда сиз аизларнинг ҳиссаларингиз каттадир, - деди Б.Аҳмедов. - Чунки сизлар йиллар давомида ходимларимиз саломатликларини муҳофаза қилиш, улар учун етарли иш ва яшаш шароитларини яратиб бериш, мароқли дам олишларини ташкил этиш, меҳнатқашлар фарзандларини соғломлаштириш масалалари билан шуғулланиб келдингиз. Бугун қўлга киритилаётган ютуқларда сизларнинг ҳам муносиб ҳиссаларингиз бор. Биз

сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Биз бугунги тадбирга ёшларни ҳам тақдир қилганимиз бежиз эмас. Токи улар ҳалол ва виждонан ишлаш пировард-натихада катта ҳўрмату эъзозга олиб келишини ўз кўзлари билан кўрсинлар ва шунга ҳаракат қилиб яшасинлар.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари — фахрийлар, спорт усталари, ғолиб спортчилар ҳамда коллеж аълочи талабаларига қасаба уюшма қўмитасининг қимматбахо совғалари, пул мукофотлари топширилди. Совғани қабул қилиб олганларнинг кўзларида қувонч жилваланади. - Гап совғада эмас, - деди шу уюшма қўмитасида кўп вақтлар раис бўлиб ишлаган, қўмита-

ни дастлаб ташкил қилган меҳнат фахрийси. - Биз нафақада пайтимизда ҳам эслаб, бир-биримиз билан дийдор кўришувимизга сабаб бўлаётганимизга учун беҳад миннатдоримиз. Қекса одамлар ширин сўз, ҳўрмат-эътиборни жуда қадрлашади. Мана шундай мурувват тадбирлари ўтказилишига сабабчи бўлган республикамиз ҳўкумати, Президентимиздан беҳад ҳўрсандимиз. Илоё, у кишининг соғлиқлари доимо мустаҳкам бўлсин.

Фахрийлар ва спорт усталаридан Алесья Ким, Виталий Бреус, Юрий Лилар ҳам сўзга чиқиб тадбир ташкилчиларига миннатдорчилик билдирдилар. Зеро, инсонга бўлган эътибор, меҳру мурувват кўнгиллари мунаввар этгусидир.

Янги полвонлар
КАШФ ЭТИЛДИ

Халқаро кураш Ассоциацияси, Республика Кураш миллий Федерацияси ўзбек курашининг халқаро миқёсида тан олинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мамлакатимизда «Кураш - менинг ифтихорим» шиори остида ўтказилган кураш ойлиги полвонлар юрти - Сурхондарёда кўнгина ёш ҳамда умидли спортчиларни кашф этди.

Мусобақанинг энг қизиқарли беллашувлари 5-6 январ кунлари Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда асосан кураш ойлигининг биринчи ва иккинчи босқичида ҳудудлараро мусобақаларда ғолиб чиққан командалар, шунингдек, ўз вазнларига кўра биринчиликни қўлга киритган курашчилар иштирок этишди.

Кизгин баҳслар остида ўтган мусобақадда сариосиёлик полвонларнинг қўли бевосита келди. Ака-ука Ёдгор ва Сулаймон Шералиев, Ҳамро Тилаков, Анвар Эгамбердиев, Қўдрат Жабборов каби полвонларнинг сай-ҳаракати туфайли Сариосиё терма жамоаси мусобақадда ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, Шўрчи тумани полвонлари иккинчи ҳамда Бойсўн тумани курашчилари совринли учинчи ўринларни эгаллашди.

Беллашууда муваффақиятли иштирок этган команда ва полвонларга вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-ҳўнар таълим бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг диплом ва кимматбахо эсдалки совғалари топширилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун турли вазн тоифасидаги 30 дан ортиқ ёш спортчилар финал мусобақаларида ўзаро куч сынашдилар. Эзгу мақсад йўлидаги илк қадамнинг ғолиблари ким бўларкин?

Темир ҚўРБОН, «Ишонч» муҳбири.



Янги полвонлар
КАШФ ЭТИЛДИ

Халқаро кураш Ассоциацияси, Республика Кураш миллий Федерацияси ўзбек курашининг халқаро миқёсида тан олинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мамлакатимизда «Кураш - менинг ифтихорим» шиори остида ўтказилган кураш ойлиги полвонлар юрти - Сурхондарёда кўнгина ёш ҳамда умидли спортчиларни кашф этди.

Мусобақанинг энг қизиқарли беллашувлари 5-6 январ кунлари Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда асосан кураш ойлигининг биринчи ва иккинчи босқичида ҳудудлараро мусобақаларда ғолиб чиққан командалар, шунингдек, ўз вазнларига кўра биринчиликни қўлга киритган курашчилар иштирок этишди.

Кизгин баҳслар остида ўтган мусобақадда сариосиёлик полвонларнинг қўли бевосита келди. Ака-ука Ёдгор ва Сулаймон Шералиев, Ҳамро Тилаков, Анвар Эгамбердиев, Қўдрат Жабборов каби полвонларнинг сай-ҳаракати туфайли Сариосиё терма жамоаси мусобақадда ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, Шўрчи тумани полвонлари иккинчи ҳамда Бойсўн тумани курашчилари совринли учинчи ўринларни эгаллашди.

Беллашууда муваффақиятли иштирок этган команда ва полвонларга вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-ҳўнар таълим бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг диплом ва кимматбахо эсдалки совғалари топширилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун турли вазн тоифасидаги 30 дан ортиқ ёш спортчилар финал мусобақаларида ўзаро куч сынашдилар. Эзгу мақсад йўлидаги илк қадамнинг ғолиблари ким бўларкин?

Темир ҚўРБОН, «Ишонч» муҳбири.

Одобнома
ОТА-ОНАНГГА
ЯХШИЛИК ҚИЛ

Катта гуноҳлардан бири — ота-онага қарши чиқиш, яъни сўзини қайтариш...

Бир кун пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом: — Сизларга катта гуноҳлардан бирини айтиб берайми? — деди. — Айтингиз, пайғамбар, — деди саҳобалар. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом айбли ишларни бирма-бир санар эканлар, болаларнинг ота-оналарига қарши чиқишлари ҳам катта гуноҳ ҳисобланади, - Аллоҳнинг розилиги — отанинг розилиги, Аллоҳнинг қаҳри — отанинг қаҳри, - деддилар.

Бир йигит пайғамбаримиздан ҳижратга боришга рухсат беришларини илтимос қилганида, ул ҳазрат шундай савол берибдилар: —Отангиз ҳаётмилар? —Ха, тирик,— деди йигит. —Бўлмаса, отангнинг розилигини ол. Отанг рози бўлса, ҳижратга борасан.

Муҳаммад алайҳис-салом ота-онасига қарши чиққан бола, яхшилик қилиб, кейин яхшилигини миннат қилган одам, ичимликка берилган ҳамда жодугарликка ишонадиган одамлар жаннатга кирмайди, деган эканлар.

Имом Муслимининг айтишларича, фарзанд отанининг қарзидан бу дунёда қўтила олмас экан. Агар уруш пайтида отаси асирга тушиб, қўл каби сотилиб кетса, боласи уни қайтадан сотиб олса, қўлидан озод қилгандагина боланинг ота олдиди қарзи бажарилган бўлар экан. Ота-онанинг қарғишини олган фарзандга Аллоҳ ҳам лаънат айтади.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай деган: «Парвардигорингиз, ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остида кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» дема ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт. Улар учун меҳрибонлик билан, ҳорлик қанотини паст тут — хоксор бўл ва: «Парвардигорим, мени улар гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин» деб ҳақларига дуо қил» (Исро сураси, 22-24-оятлар).

Бу оят мазмунига эътибор беринг-а! Аллоҳ Таоло ота-онага яхшилик қилишни бевосита ўзига ибодат қилиш билан бирга ёнма-ён қўйпти, ота-оналар кексайиб, заифлашиб қолган ҳолларда уларга қандай муомала қилиш кераклигини ўргатиб, беш нарсани таъкид қилляпти: ҳеч қачон уларга «уф» демаслик, беадаблик қилиб, уларнинг сўзини қайтармаслик, уларга эҳтиром билан чиройли, ширин сўз айтиш, ота-онага меҳрибонлик билан хоксор бўлиш. Миннатдорлик билан Аллоҳдан ота-онага раҳму шафқат сўраш.

Бизда ота-онамизнинг ҳаққи жуда кўп. Қарзларимизни ўтас учун умр бўйи уларнинг хизматида бўлсак ҳам камлик қилади. Лекин бу оятда зарур бир нуқта борки, биз ундан гоғил бўлмаслигимиз керак.

Яъни, ота-оналик ҳуқуқини қозониш учун бола туғишнинг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш ҳам муҳим шартлардан бўлиб ҳисобланади.


Кидирбой ТўЛАОБОВ, ўқитувчи.

«Соғлом авлод йили»
ОМАД КИМГА КУЛИБ БОҚАРКИН

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши барча юртдошларимиз, жумладан, турли тарбия мусассасалари, устоз ва мураббийлар олдига улуг ва шарафли вазифаларни қўйди. Ёш авлодни билимни, кучли ва бахтли инсонлар сифатида камолга етказиш, алал-оқибат барча жиҳатдан мукамал келажак бунёдкорларни тарбиялаш мақсадида фаолият кўрсатаётган мураббийлар йилнинг биринчи куниданок ҳўкумат дастури асосида қизгин иш бошладилар.

Хўсусан, миллатни соғломлаштириш комплекс дастури талабларини фаоллик билан амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Муай-Тай» Федерацияси ҳамкорликда йилнинг биринчи спорт мусобақасини ўтказишди. Соғлом авлод йилида ёшлар ўртасида ўтказилаётган Республика турнирининг асосий мақсади болалар ўртасидаги жиноятчилик, терроризм ва ва гиёҳванд-

ликка қарши курашишдан иборат. Шунингдек, Умумжаҳон «Муай-Тай» Ассоциацияси қондаларига асосан бўлиб ўталаётган мусобақалардан ушбу спорт турини республика бўйлаб оммалаштириш ҳам кўзда тутилган.



Янги йилнинг илк кунларида Тошкентдаги «Азамат» клубида «Муай-Тай» билан шуғулланаётган 250 дан ортиқ ёш спортчилар йиғилишди. Улар орасида республикамизнинг деярли барча ҳудудларидан — Бўхоро ва Сурхондарёдан, Андижон ва Самарқанддан, Тошкент вилояти ҳамда пойтахтнинг «Азамат», «Абсидян», «Рус-там», «Қўшбеги» ва «Динамо» клубларидан келган икки дорли ёшлар бор.

Асосан, 1984-1986 йиллари туғилган ёш спортчилар 28 кг дан 85 кггача ва ундан юқори бўлган вазн тоифасида куч сынашдилар. Икки кун да-

вом этган саралаш мусобақаларида Тошкент вилоятидан ташқари барча жамоа вакилларининг энг моҳир ва чапдаст спортчилари финалга йўлланма олишди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, Умумжаҳон «Муай-Тай» Ассоциацияси вице-президенти, Халқаро тоифадаги ҳакам З.Қосимбековнинг гувоҳлик беришича, 1 ва 2-ўрин соҳиблари медаллар ҳамда биринчи ва иккинчи даражали дипломлар билан, 3-ўрин эгалари эса махсус диплом билан тақдирландилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун турли вазн тоифасидаги 30 дан ортиқ ёш спортчилар финал мусобақаларида ўзаро куч сынашдилар. Эзгу мақсад йўлидаги илк қадамнинг ғолиблари ким бўларкин?

Темир ҚўРБОН, «Ишонч» муҳбири.

Мусурмон ТИЛАКОВ, Сурхондарё вилояти, «Туркистон-пресс»

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир ҳайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотува эркин нарда.
«Шарқ» нашриёт-матбуот концернини босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21 00
Топширилади 21.30